

СТОМАТОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРНИНГ ЭТИМОЛОГИК ВА МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Сиддикова Ирода Абдузухуровна

Ўзбекистон Миллий Университети, ф.ф.д., проф.

Нартаева Мухайё Бахтиёровна

Тошкент давлат стоматологик институти, PhD, кат. ўқит.

Abstract: The article is devoted to the etymological and morphological characteristics of dental terms. Based on the results of analyzed examples related to the field of dentistry, it has been proven that terms denoting disease, pathologies, symptoms, infectious diseases and dental medical equipment mainly belong to the Greek-Latin vocabulary.

Keywords: dental terms, affixation, morphology, borrowed morphemes, word formation.

Аннотация: Статья посвящена этимологической и морфологической характеристике стоматологических терминов. По результатам проанализированных примеров, относящихся к области стоматологии, доказано, что терминқ, обозначающие заболевание, патологии, симптомы, инфекционные заболевания и стоматологическую медицинскую технику, в основном относятся к греко-латинской лексике.

Ключевые слова: стоматологические термины, аффиксация, морфология, заимствованные морфемы, словообразование.

Аннотация: Мақола стоматологик терминларнинг этимологик ва морфологик хусусиятларига бағишиланган. Стоматология соҳасига оид таҳлилга тортилган мисоллар натижасига кўра, касалликни ифодаловчи терминлар - патологиялар, аломатлар, юқумли касалликлар ва стоматологик тиббиёт ускуналари асосан юнон-лотин лугати фондига мансублиги даллилланади.

Калит сўзлар: стоматология терминлари, аффиксация, морфология, ўзлашган морфемалар, сўз ясалиши.

Замонавий тиббиёт терминологияси жаҳон тиббиёти ва тиббиёт фанинг кўп асрлик ривожланиши, дунёдаги қайси тил тақдим этишидан қатъи назар тиббиёт соҳасидаги хусусан стоматология терминологияси лексик, сўз бирликларнинг лингвистик келиб чиқишига кўра ҳамда тузилишига кўра умумий моделлар сезиларли микдорини ташкил этади. Бинобарин, бу ҳолат асрлар давомида тиббиёт терминологиясига таъсир кўрсатган қадимги дунёдаги иккита классик тиллар қадимги юнон ва лотин тиллари ўзаро боғлиқлигидан далолат беради. Баъзи таҳминларга кўра, инглиз тилидаги тиббиёт атамаларининг 95% га яқини лотин ва юнон тиллари асосида яратилгандир. Анатомик ва тиббиётнинг бир қисми бўлган гистологик номенклатура тўлиқ лотин тилида тузилган терминологиялар эканлиги асосланади. Маълумотларнинг асоси сифатида номенклатураларга лотин тилининг алифбоси, фонетикаси ва грамматикаси кириши таъкидланади [1]. М.Х.Азизованинг фикрича, сўз яратиш имкониятлари юнон тили потенциали лотин тилига қараганда сезиларли даражада устунлик қиласди. Чунки мазкур

тил ҳар қандай тилда жойлашиш, мослашувчанлик хусусияти билан ажралиб туради. Тил ҳодисаларида аниқланган ёхуд тасвирланган, маълум биологик тушунчалар ва тиббиёт йўналишини акс этирадиган ғоялар, номинацияларни сўз шакллантиришнинг қўшимчалар, асосий таркиби бўйича турли усуllibаридан фойдаланган ҳолда, лўнда, содда конкрет янги лексемаларни осон шакллантириши билан фарқланади [2].

Стоматология соҳасига оид таҳлилга тортилган мисоллар натижасига кўра, касалликни ифодаловчи номинациялар патологиялар, алломатлар, юқумли касалликлар ва стоматологик тиббиёт ускуналари асосан юнон-лотин луғати фондига мансублиги даллилланади. Эътиборли жиҳати шундаки, лотин-юнон тилидан фойдаланиш тенденциясининг асос (илдиз) элементлари тиббиёт соҳасининг айнан стоматология соҳасига тегишли эканлиги яққол кўзга ташланади.

Стоматология [юн. *stomatos – оғиз ва логия* – клиник тиббиётнинг бир соҳаси] оғиз бўшлиғи аъзолари: *тил, лаб, лунж, оғиз* шиллик пардалари ҳамда юз-жағ тизими ва унга ёндош соҳа касалликларини, уларни келтириб, чиқарадиган сабабларни ва мазкур касалликларнинг олдини олиш усуllibарини ўрганади [3]. Терминологик системаларнинг шаклланишида сўз қўшиш усули билан термин ясаш алоҳида ўрин тутади. Фан ва технологиянинг тарақкӣ этиши билан қўшма терминларга бўлган эҳтиёж ортиб бораверади. Қўшма сўzlар фақат янги сўzlарга бўлган эҳтиёжни қондириш учунгина эмас, балки кўпроқ икки тушунчани бир сўз орқали ифода этиш зарурияти бўлгани учун ҳам керакdir [4].

Стоматология соҳасига оид инглиз тили терминларининг шаклланишида аффиксация сўз ясовчи (префикс, суффикс) усулидан ташқари, терминлар “каркас”ини аниқлашда, уларнинг таркибида морфемик, морфологик, семантик ва синтактик қаби турли лингвистик элементлар мавжуд. Шу маънода тадқиқотимиз объекти бўлган стоматология терминлари таркибини аниқлашда, уларнинг ясалиш жиҳатлари (таркибий ўзгаришлари) соҳага доир изоҳли луғатларда ўз аксини топа олмаслигини эътибордан четда қолдирмаган ҳолда, уларни лексик ва этимологик жиҳатдан таҳлил қилиш зарур деб ўйлаймиз. Инглиз тилида стоматология терминларининг шаклланиши ва ясалишининг қўйидаги турлари мавжуд:

1.аффиксация; 2.синтактик; 3.семантик (семантик-синтактик); 4.конверсия (транспозиция); 5.акроним ва аббревиатуралар.

Аффиксация усулида “Суффикс ва префикслар, яъни сўз ясовчи формантлар ўзида тилнинг энг кичик (минимал) сўз ясовчи, қурилиш элементларини акс этиради” [5]. Айрим манбаларда аффикслар билан қўшимчалар ўртасидаги фарқ етарлича очиб берилмаганлиги боис, бу масала бугунги кунгача изоҳталаб, мавхум бўлиб қолмоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, аффикслар ёрдамида сўzlар ясалади, қўшимчалар орқали эса грамматик формалар ҳосил қилинади. Инглиз ва ўзбек тилларида якка морфемик элементдан таркиб топган қўйидаги стоматология соҳасига оид терминлари мавжуд: *apex* (лот. apex верхушка) - *апекс* (тиш илдизининг учи); *alloy* (лот. boғлаш) – *метал бирикма, қоришина*; *arch* (лот. arka) – *арка, камар (пастки жағ)*; *crown* (лот. корона тож) - *коронка, протез*.

Аффиксация усули ёрдамида ясалган стоматологик терминлар: *-ist, -tion*, аффикси стоматология соҳасида жуда сермаҳсул ҳисобланади. Соҳага тегишли касбга тегишли бир қанча отлар ясалади. Мисол учун: *dental instrumentalist, dental hygienist, dentist, prosthodontist, receptionist, dental specialist; resorption* (лот. resorbere орқага сўриш + tion) –

резорбсия (сингдириш); *amputation* (лот. *amputāre* кесиш) - ампутация, (яллиғланган пульпани даволаш усули).

Стоматология соҳасида кенг қўлланиладиган *macro-* макро ва *micro-*микро префикслари (олд қўшимчалар) ёрдамида бир қатор терминлар ясалади: *macrogenia* (гр. μακρός *macro* катта + γένειον *genia* пастки жағ, (ияқ)) - макрогения аномал ривожланиши: пастки жағни меъёридан ортиқ катталиги; *macrostomy* (гр. μακρός *macro* катта + στόμα, ατος *stoma*, *stomatos* оғиз) - макростомия аномалия ривожланиши: хаддан ташқари кенг оғиз бўшлиғи; *microgenies* (гр. μικρός *micro* кам + γένειον *genia* пастки жағ, (ияғ)) - микрогения пастки жағнинг кичик хажмда ривожланиши; *microglossia* (гр. μικρός *micro* малый + γλόσσα *glossa* (glotta) тил) – микроглоссия кичик хажмда тилнинг катталашиши

Тадқиқ қилинаётган тилларда префиксларнинг ўзлашиш жараёни таҳлили натижаси шуни қўрсатадики, лотин тилига қараганда юон тилидан ўзлашган префикслар микдори кўп эканлиги далилланади. Фарқли жиҳати шундаки тиббиёт соҳасидаги префикслар касалликларнинг маълум бир даражасини ифодалashi билан ўзига хос аҳамият касб этади. Стоматология соҳасида юон ва лотин тилларидан ўзлашган қўйидаги префикслар *hypo-*, *bi-*, *odonto-*, *sin-*, *pro-*, *bra-*, *pro-* унумдор ҳисобланади. Жумладан: *hypodontics* (юон. ὑπό *hypo* пастки, қўйи+юон. ὄδούς, ὄδόντος *odus*, *odontos* тиш) - гиподонтия, тишларнинг камлиги, тишнинг микдори етишмаслиги; *biprognathia* (лот. *bis* иккита + юон. πρό *pro* олдинга + юон. γνάθος[gnatho-] жағ, юқори жағ) - бипрогнатия, физиологик жиҳатдан жағларнинг фарқланиши; *odontodysplasia* (юон. ὄδούς, ὄδόντος *odus*, *odontos* + δυσ *dys* юон. қийинчилик, бузилишлар + πλάσις *plasia* шаклланиши) - одонтодисплазия, тиш ривожланишининг бузилиши; *sinheilia* (юон. συν *syn* билан, биргалиқда, + χεῖλος *cheilo* лаб) - синхейлия, юқори ва пастки лабларнинг бирлашиши; *protrusion* (юон. πρό *pro* олдида, олдин + лот. *trudere* итариш, суриш) - протрузия, жойлашган жағлар аномалияси, тишлар орасидаги бўшлиқ; *brachycheilia* (юон. βραχύς *brachys* қисқа, калта + χεῖλος *cheil* лаб) - брахихейлия, юқори лабнинг ўрта қисми қисқариши [6].

Стоматология соҳасига оид терминологияда морфемалар ҳам алоҳида аҳамият касб этади ва ўзига хос типологик хусусиятларга эгадир. Тадқиқ қилинаётган соҳа терминологиясида ўзакдош сўзлар инглиз ва ўзбек тилларида изоморфик хусусиятларга эга эканлига асосланади. Сўзлар турли сўз туркумiga оид ясовчи қўшимчалар сўз ўзагига қўшилиб ясалади ва турли маъноларни ифодалайди. Бу ҳолат қўпроқ стоматология соҳасида қўлланиладиган кимёвий элементлар, стоматологик унсурлар, ингридиентлар номенларида қўпроқ учраши даллиланади. Жумладан: Ўзбек тилида: *флоридин*, *бифлорид*, *профлорид*; *фтор*, *фторлак*, *фторидин*, *фторид*, *фторапатит*. Инглиз тилида: *dentin*, *denture*, *dentist*, *dental*; *gingiva*, *gingivitis*; *periodontal periodontitis*.

Юон тилидаги '*peri-*' юон. инглиз тилида *around*, *about*, *beyond* атрофида - келиб чиқиши юононча бўлиб, асосий анатамик шаклланишлар ва патологик жараёнларга ишора қилувчи, префикс асосида ҳам қўйидаги терминлар ясалади: *periosteum* – тананинг суюк ости қисмини озиқлантирувчи толалар; *perirhinal* – бурун атрофи. Лотин тилидаги '*supra-*' префикси инглиз тилида *above*, *over*, *beyond*, *on the upper side* - юқорида, юқори томонда маъноларини бериб, бирор нарсадан устун маъноларини ифодалайди: *supra-auricular* – супрааурикуляр; қулок устида жойлашган; *supraversion* – вертикал йўналишдаги аралаш тишлар.

Таҳлил қилинган этимологик таҳлил натижасига кўра шуни таъкидлаш мумкинки, инглиз ва ўзбек тилларида стоматология соҳасига оид терминологияда айнан юононча сўз

ясовчи элементларга эга сўзлар устунлик қиласи. Уларнинг аксарият қисми лотин номенклатурасига киритилиб шаклланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гущина Л.Н. Особенности языка медицины // Учебный процесс. Журнал ГГМУ. – М., 2005. – № 1. – С. 105-107.
2. Азизова М.Х. Функционирование медицинских терминов в таджикском и английском языках (на материале названий болезней): дис. ... канд. филол. наук. – Душанбе, 2016. – С.59.
3. <https://medlife.uz/encyclopedia/s/stomatologiya/>
4. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды Московского института истории, философии и литературы. Т. V. Сб. статей по языковедению. – М., 1939. – С. 46
5. Кубрякова Е.С. Семантика производного термина // Внутренняя структура языка. – М.: 1972. – С.69.
6. Н.Г.Мерещак, И.Ю.Карпук Латинская стоматологическая клиническая терминология. – Витебск,2019. – С. 213.
7. Sadullaeva N., Sapaeva D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 452-459.
8. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
9. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – С. 3008-3020.
10. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – Т. 9. – №. 1. – С. 4943-4952.
11. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
12. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – Т. 3. – №. 08.05. – С. 187-190.
13. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTTONIC DISCOURSE.
14. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
15. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
16. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of "Historical Memory" Within French and Uzbek Phraseology." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.

17. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into “Historical Memory” in French and Uzbek Linguistic Traditions." American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
18. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing “Historical Memory” In Uzbek and French Languages." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.
19. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2.11 (2023): 490-492.
20. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулокотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
21. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." Academic research in educational sciences 3.5 (2022): 1176-1182.
22. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(6), 879-884.
23. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4] (2023).